

## ЗАМОНАВИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ БОШҚАРИШДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ АҲАМИЯТИ

*Азизбек Хасанов,*

*Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги, "Ўзбектелеком"*

*Акциядорлик компанияси Давлат органлари билан ўзаро муносабатлар*

*бошқармаси бош мутахассис,*

*Тошкент, Ўзбекистон. Email: [ai.xasanov@gmail.com](mailto:ai.xasanov@gmail.com)*

*ORCID: 0009-0001-6301-4296*

## THE IMPORTANCE OF INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES IN THE MANAGEMENT OF MODERN ECONOMIES

*Azizbek Hasanov,*

*Ministry of Digital Technologies of the Republic of Uzbekistan, Joint-Stock*

*Company "Uzbektelecom" chief specialist of the department,*

*Tashkent, Uzbekistan. Email: [ai.xasanov@gmail.com](mailto:ai.xasanov@gmail.com)*

*ORCID: 0009-0001-6301-4296*

### **JELClassification: E1, E12, D85**

**Аннотация:** Ушбу мақолада жаҳон ҳамда миллий иқтисодиётнинг ривожланишида ахборот-коммуникация технологияларининг тутган ўрни хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилган бўлиб, сўнгги 3 йилда унга бўлган талабнинг кескин ортгани ва афзалликлари ёритиб берилган. Мақолада ахборот-коммуникация технологияларининг назарий ҳамда илмий асосларини очиб бериш орқали иқтисодиёт тармоқларида АКТнинг аҳамияти ёритиб берилган.

Шунингдек, Ахборот-коммуникация технологияларини бугунги кун иқтисодиёти даврида бошқарув фаолиятига оид атамалар, асосий тушунчалар, республикада ахборот технологиялари

соҳасини ривожлантиришнинг алоҳида қоидалари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топганлигига алоҳида эътибор берилган. Илмий мақолада кўтарилган муаммони атрофлича таҳлил қилиши, таҳлил натижаларини тизимлаштириши асосида илмий асосланган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишида илмий мушоҳада, мантиқий фикрлаш, тизимли ёндашув, статистик, иқтисодий, молиявий ва регрессион таҳлил ҳамда эксперт баҳолаш усулларидан фойдаланилганлиги ўз аксини топган.

Дарҳақиқат, биз яшаётган XXI асрда ахборот ресурсларидан самарали фойдаланиш технологиялари, яъни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари мамлакат иқтисодиёти

ва унда кечаётган иқтисодий жараёнларнинг муҳим таркибий қисмига айланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси президенти Ш. Мирзиёев 2018 йил 10 январь куни Ахборот-коммуникация технологиялари ривожига бағишлаб ўтказилган йиғилишида ахборот технологиялари соҳасида ҳали қилинадиган ишлар кўплиги, эришилган натижалар бошқа давлатларга қараганда анча паст кўрсаткичда эканлигини таъкидлаган эди.

Мақолада "Committed to connecting the world" халқаро ташилотининг 2021 йил учун берган маълумотларига кўра, бугунги кунда дунё аҳолисининг 4,9 миллиарддан ортиги интернет тармоқларидан фойдаланаётганлигига, бу эса дунё аҳолисининг 63 фоизини ташкил этаётганлигига урғу берилади. Ўрганишлардаги рақамларга кўра 2019-йилга нисбатан 800 миллион киши, яъни 17 фоиздан кўпроқ аҳоли интернет алоқаларидан фойдаланишни бошлаганлиги, бу эса йилдан-йилга АКТ соҳаси фан ва таълим, тадбиркорлик, турли хизматлар, кўнгилочар иловалар ва мулоқот каби жараёнлар билан узлуксиз боғланиб бораётганлигига хизмат қилиши ҳамда пандемия даврида АКТ соҳаси сўнгги ўн йил ичида кескин ривож топгани тўғрисида аниқ мисоллар келтирилган.

**Abstract:** This article comments on the

role of information and communication technologies in the development of the global and national economy, highlights the sharp increase in demand for them over the past 3 years and their advantages. The article emphasizes the importance of ICT in the sectors of the economy by revealing the theoretical and scientific foundations of information and communication technologies.

Also, special attention has been paid to the fact that the terms, basic concepts related to the management of information and communication technologies in today's economy, special rules for the development of the field of information and communication technology in the republic are reflected in the normative legal documents. Scientific observation, logical thinking, systematic approach, statistical, economic, financial and personal analysis and experiential evaluation methods were used in the development of scientifically based conclusions and recommendations based on the detailed analysis of the problem raised in the scientific article, systematization of the analysis results.

In fact, in the 21st century in which we live, the technologies of effective use of information resources, that is, modern information and communication technologies, are becoming an important component of the country's economy and economic processes taking place in it. President of the Republic of Uzbekistan . On January 10, 2018, at a

*meeting dedicated to the development of information and communication technologies, Mirziyoev noted that there is still a lot of work to be done in the field of information technologies, and that the achieved results are much lower than in other countries.*

*The article emphasizes that according to the data of the international organization "Committed to connecting the world" for 2021, more than 4.9 billion of the world's population use the Internet, which is 63% of the world's population. According to the figures in the studies, compared to 2019, 800 million people, that is, more than 17 percent of the population, started using the Internet, which serves to continuously connect the ICT sector with processes such as science and education, entrepreneurship, various services, entertainment applications, and communication. During the pandemic, concrete examples of the rapid development of the ICT sector in the last decade are given.*

**Калим сўзлар:** *дунё аҳолиси, миллий иқтисодиёт, ахборот – коммуникация технологиялари, оптик тола, мобил интернет, интернет тезлиги, COVID-19.*

**Key words:** *world population, national economy, information and communication technologies, optical fiber, mobile Internet, Internet speed, COVID-19.*

**Кириш.** Жаҳон иқтисодиётида ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)нинг жадал ривожланиши таъсирида

инновацион тизимда ишлайдиган компьютерлар, мобил телефонлар ва интернет технологияларининг пайдо бўлиши Корхоналарини тубдан ўзгаришига олиб келди. Натижада, ҳозирги кунда иқтисодиёт ва унга асосланган бошқарув усуллариининг амалиётда кенг қўлланилиши жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг асосий омилларидан бирига айланди. «Ривожланган давлатларнинг ялпи ички маҳсулотида рақамли иқтисодиётнинг улуши 2010 йилда 1,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йилга келиб, ушбу кўрсаткич 10,5 фоизни ташкил этди» [1].

Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар шароитида Корхоналарини инновацион ривожлантиришда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишга қаратилган изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонида “Рақамли иқтисодиётни асосий «драйвер» соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баравар оширишга қаратилган ишларни олиб бориш, дастурий маҳсулотлар индустрияси ҳажмини 5 баравар, уларнинг экспортини эса 10 баравар ошириб, 500

миллион АҚШ долларига етказиш [2] каби устувор вазифаларнинг белгиланиши корхоналарини инновацион ривожлантиришда ахборот-коммуникация технологиялари самарали фойдаланишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5099-сон, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2018 йил 19 февралдаги «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5349-сон фармонлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Материал ва метод.** Корхоналарини инновацион ривожланишида ахборот-коммуникация технологияларини самарали бошқаришнинг назарий ва амалий аспекти кўплаб хорижлик олимлар жумладан, Друкер П.Ф., Твисс Б., Шумпетер Й., Перлаки И., Мончев Н.,

Хартман В.Д., Фостр Р., Webster Frank H Dinis A., Hsu Y. кабилар томонидан ўрганилган[3].

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан: П.Н.Завлин, Л.П.Гончаренко, Л.С.Блехман, С.В.Валдайцев, Л.М.Гохберг, П.Друкер, А.К.Казанцев, Б.З.Мильнер, К.Оппенлендер, Б.Санто, Б.Твисс, Ю.В.Яковецларнинг илмий ишларида ўрганилган[4].

Ўзбекистонлик олимлардан ахборот-коммуникация технологияларни самарали қўллашнинг назарий ва амалий муаммолари Б.Б. Абдуллаев, Т.К. Иминов, Абдураимов И., А.М. Қодиров, М.А. Маҳкамова, Ш.И. Мустафакулов, Н.Қ. Йўлдошев, Ш.А. Мирсаидова, Й.Д. Голдман, Ш.Н. Зайнутдинов, Х.Т. Мухитдинов, У.В. Гофуров, Р.И. Нуримбетов, Ш.И. Отажанов, Б.С. Қалмуратов ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган[5].

Ахборот-коммуникация технологияларини бугунги кун иқтисодиёти даврида бошқарув фаолиятига оид атамалар, асосий тушунчалар, республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантиришнинг алоҳида қоидалари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган. Илмий мақолада кўтарилган муаммони атрофлича таҳлил қилиш, таҳлил натижаларини тизимлаштириш асосида


илмий асосланган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишда илмий мушоҳада, мантикий фикрлаш, тизимли ёндашув, статистик, иқтисодий, молиявий ва регрессион таҳлил ҳамда эксперт баҳолаш усулларидан фойдаланилган.

Биз яшаётган XXI асрда ахборот ресурсларидан самарали фойдаланиш технологиялари, яъни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари мамлакат иқтисодиёти ва унда кечаётган иқтисодий жараёнларнинг муҳим таркибий қисмига айланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси президенти Ш. Мирзиёев 2018 йил 10 январь куни Ахборот-коммуникация технологиялари ривожига бағишлаб ўтказилган йиғилишда “Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантиришмасак, биз замондан ортда қолиб кетишимиз бу-хақиқат! Дунё хамжамияти Ўзбекистонга қайси соҳа бўйи баҳо беради деган савол берса ҳеч иккиланмай шу соҳани кўрсатишлари керак. АКТ ва коммуникация технологияларини ривожлантириш нуқтаи

назардан, уни хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назардан ва энг катта нарса мобил алоқаларни ривожлантириш каби масалалар мени жуда қийнамоқда” дея Президентимиз ахборот технологиялари соҳасида ҳали қилинадиган ишлар кўплиги, эришилган натижалар бошқа давлатларга караганда анча паст кўрсаткичда эканлигини қайд этди [6].

“Committed to connecting the world” халқаро ташкилотининг 2021 йил учун берган маълумотларига кўра, бугунги кунда дунё аҳолисининг 4,9 миллиарддан ортиғи интернет тармоқларидан фойдаланади. Бу Дунё аҳолисининг 63 фоизи демакдир. Ўтган 2019-йилга нисбатан 800 миллион киши, яъни 17 фоиздан кўпроқ аҳоли интернет алоқаларидан фойдаланишни бошлаган. Йилдан-йилга АКТ соҳаси фан ва таълим, тадбиркорлик, турли хизматлар, кўнгилочар иловалар ва мулоқот каби жараёнлар билан узлуксиз боғланиб бормоқда. Пандемия даврида АКТ соҳаси сўнгги ўн йил ичида кескин ривож топди

(1-расм).




1-расм. Дунё аҳолисининг интернетдан фойдаланиш динамикаси [7]

Мана йигирма йилки интернет қамрови кенгайиб, унинг кўмагида сон-саноксиз имкониятлар яратилмоқда. Айниқса пандемия даврида ишлаш, ўқиш ва бошқа хизматлардан фойдаланиш ҳамда алоқада бўлиш учун хаётий эҳтиёжлардан бирига айланди. Юқоридаги расмда ҳам интернет қамрови кенгайганини кўришимиз мумкин.

Илк бор 1992-йилнинг октябрь ойидан бошлаб юртимиз аҳолиси ҳам дунёнинг ҳамма мамлакатларига бевосита чиқишини таъминланган шаҳарлараро ва халқаро йўлдош алоқа станцияси мунтазам


ишлатила бошланди [8]. 1995-йилга келиб Ўзбекистон Республикаси миллий домени ишга туширилган бўлса, бугунги кунга келиб рўйхатдан ўтган доменлар сони 80 мингдан ортган. 2020-йилда мамлакатимиз мобил алоқа операторлари сони ўтган 2019-йилга нисбатан 39 фоизга ортиб, умумий ҳисобда 7 млн. фойдаланувчини ташкил қилган [8]. Жумладан интернет тезлиги ва сифатини ошириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди (2-расм).



2-расм. Ўзбекистонда ўрнатилган оптик толали алоқа линиялари қамрови [8]

2020-йилда 37,5 минг км оптик толали алоқа линиялари ўтказилди ва уларнинг узунлиги 72,1 минг км.га етказилиб, аҳоли

яшаш пунктларини оптик толали алоқа линиялар билан қамраб олиш даражаси 55 фоизни ташкил этди.




3-расм. Ўзбекистонда юқори тезликдаги мобил интернет қамрови даражаси [8].

Яратилган имкониятлар, жумладан инновацион технологияларга асосланган оптик толали интернетнинг ўрнатилиши 2020-йилда интернет тезлигининг кескин ортишига сабаб бўлди. Ушбу йилда юртимизда юқори тезликдаги мобил интернет 83 фоизга ортди. Бу кўрсаткич ўтган 2019-йилга нисбатан деярли икки баробарга, 2018-йилга нисбатан эса уч баробарга кўп демакдир. Ўзбекистон Республикаси 2020-йил ҳолатина интернет тезлиги бўйича рейтингда 176 та давлат

каторидан 95- поғонани эгаллаб турибди. Қувонарлиси ушбу йилда бир ойда 7 поғонага, бир йилда эса, 36 поғонага кўтарилган [8].

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, бугунги кунда ахборот-коммуникация технологиялари мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий тизимининг турли-туман соҳаларида юқори даражада ривожланиб бормоқда. Эътиборингизни 4-расмга қаратмоқчимиз:



**4-расм. Жаҳон минтақаларида Интернет тармоғидан индивидуал тартибда фойдаланувчиларнинг ўсиш динамикаси (миллион) [9]**

**Натижалар.** Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Корхоналарини инновацион ривожлантиришда ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишни бошқаришда тўсқинлик қилувчи муаммоларни ҳал этиш мақсадида инновацион менежмент стратегияларидан фойдаланиш имкониятлари аниқланган;

Корхоналарини инновацион ривожлантиришда ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишни бошқаришнинг баҳолаш мезонлари ва индикаторлари ишлаб чиқилган;


Корхоналарини инновацион ривожлантиришда ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишни бошқариш механизмларини

такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган назарий ва методологик асослар ахборот-коммуникация хизматлари бозорида фаолият юритувчи миллий компанияларнинг инновацион фаолиятни бошқариш механизмларини янада такомиллаштиришга доир ёндашувларни ишлаб чиқишда, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида инновацион фаолиятни янада ривожлантириш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш, шунингдек иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртида «Иқтисодиётда ахборот тизимлари», «Тармоқ менежменти» сингари фанлардан ўқув дастурлари, ўқув-услубий мажмуалар, маърузалар матни, кейс стабилар, ўқув қўлланма ва дарсликлар тайёрлашда илмий-услубий манба сифатида

фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Юқоридаги расмда ахборот-коммуникация технологияларининг энг юқори даражада ривожланаётган турларидан бири бўлган биргина Интернет хизматларидан фойдаланиш даражасига оид маълумотлар келтирилган бўлиб, ушбу маълумотлар Бирлашган миллатлар ташкилоти ҳузуридаги Халқаро телекоммуникация иттифоқига аъзо бўлган 193 та мамлакатлар бўйича келтирилган. 2019-2020 йиллар давомида Африка, Осиё ва Тинч Океани минтақасида интернетдан фойдаланиш аҳоли бошига оладиган бўлсак, 23 нафарга ортди. Бу ўтган йилга нисбатан 24 фоизга кўп демакдир. Бу кўрсаткичлар юртимизда ҳам ижобий натижа кўрсатган. Биргина "Ўзбектелеком" АЖнинг 2020 йил якунлари бўйича берган ҳисобот маълумотлари фикримиз исботидир (5-расм).



5-расм. "Ўзбектелеком" АЖ Интернет фойдаланувчилари сони динамикаси, (млн)



абонент) [10].

**Мунозара.** Компания интернетдан фойдаланувчилари сони 2020-йилда 43 фоизга ортиб, 7,8 млн.га етди. Компания томонидан берилган маълумотларга кўра, битта фойдаланувчидан олинадиган ўртача даромад 94 минг сўмни ташкил этиб, ўтган 2019-йилга нисбатан 12 фоизга кўпроқдир. Ушбу йиллар оралиғида битта абонент томонидан ишлатиладиган ўртача интернет-трафик ҳажми деярли 2 бараварга ўсган бўлиб, 3388 МБ ни ташкил этган [10]. Ҳозирда мобил алоқа тармоқларини ривожлантириш мақсадида 6000дан ортиқ мобил алоқа база станцияси ўрнатилиб, уларнинг умумий сони 26 мингтадан ортди ва республика аҳоли масканларини мобил алоқа билан қамрови даражаси 97 фоизга ва мобил интернет тармоғига кенг полосали уланиш қамрови даражаси 70 фоизга етказилди [10].

Расмдаги маълумотлардан кўриниб турганидек, жаҳон минтақаларида Интернет тармоғидан индивидуал тартибда фойдаланувчиларнинг сони йилдан-йилга мунтазам равишда ўсиб борган. Бунинг учун кўплаб сабабларни келтириш мумкин бўлиб, биз қуйида бу борадаги ўз фикр-мулоҳазаларимизни билдириб ўтмоқчимиз:

- кейинги йилларда дунё мамлакатларида асосан индивидуал

фойдаланиш мақсадига қаратилган ноутбук, смартфон ва планшетларни ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори даражада ўсиши натижасида уларнинг эгаларини интернетдан фойдаланиш имкониятлари янада ошиб борди. Масалан, биргина мобил алоқа хизматлари кўрсатадиган компаниялар ўз мижозларига смартфон ва планшетларни тақдим этиш орқали имтиёзли интернет хизматларини ҳам таклиф қилишмоқда. Ёки бўлмаса, ноутбукларни кредитга олувчилар учун интернет хизматларининг таклиф қилиниши ҳам индивидуал тартибда интернет тармоғига уланувчилар сонининг мунтазам равишда ошишига имкон яратмоқда;

- жаҳон минтақаларида, хусусан Осиё ва тинч океани минтақаси, Европа ва Америка минтақаларида жойлашган мамлакатларда хусусий тадбиркорлик имкониятларининг янада кенгайиб кетиши натижасида уйдан туриб ишлаш, яъни фрилансерлар сонининг ошиб бориши ҳам интернет тармоғидан индивидуал тартибда фойдаланувчиларнинг ўсишига таъсир кўрсатмоқда;


- жаҳон минтақаларида, хусусан Осиё ва тинч океани минтақаси, Европа ва Америка минтақаларида жойлашган мамлакатларда электрон ҳукумат

тизимининг ривожланиб бориши ушбу хизмат турларидан фойдаланувчилар кўламининг янада кенгайишига олиб келди. Масалан, АРЕС (Осиё ва тинч океани минтақаси иқтисодий ҳамкорлиги ташкилоти) ва ОЕСД (Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти) таркибдаги ривожланган мамлакатларнинг деярли барчасида, хусусан Осиё ва тинч океани минтақаси мамлакатларида электрон ҳукумат концепциясининг ногиронларни ҳам тобора қамраб олиши ҳам интернет тармоғидан индивидуал тартибда фойдаланувчилар сонининг ўсишига ўзига хос таъсир кўрсатмоқда;

- Энг асосий сабаблардан бири эса, шубҳасиз COVID-19 пандемиясидир. Ушбу давр бизга алоқа воситалари ҳаётимизда қанчалар ўрин эгаллаб олганини барчага исботлади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда нафақат ривожланган мамлакатларда, балки ривожланаётган мамлакатларда ҳам ахборот–коммуникация

технологияларининг юқори суръатларда ривожланиш тенденцияси кузатилмоқда (4-расм). Бунинг асосий сабаблари сифатида, биринчидан ахборот-коммуникация технологияларининг асосчилари бўлган ривожланган мамлакатлар капиталининг ривожланаётган мамлакатларга тобора кўп кириб бориши натижасида ушбу мамлакатларда ҳам ахборот-коммуникацияларига бўлган эҳтиёжнинг тобора ошиб бораётганлигини кўрсатсак, иккинчидан, ривожланаётган мамлакатлар ҳукуматлари томонидан аҳолини максимал даражада иш билан таъминлаш мақсадида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга катта эътибор берилаётганлигини кўрсатамиз, ва ниҳоят учинчидан, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви жараёнининг тезлашиши ривожланаётган мамлакатларда ҳам жадал суръатларда ривожланишига олиб келмоқда.



**6-расм. 2020-йилда Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда мобил алоқа воситаларидан фойдаланувчиларнинг ўсиш динамикаси (%) [11]**

Юқоридаги расмда 2020 йилда мобил алоқа воситаларидан фойдаланувчилари сонидagi ривожланаётган мамлакатларнинг улуши ривожланган мамлакатларга қараганда анча паст бўлган, яъни 57% ни ташкил этган. Бунинг асосий сабаблари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- бугунги кунда ривожланаётган мамлакатлар сонининг кўплиги ва уларда аҳоли сонининг тобора ўсиб бораётганлиги кабилар ушбу мамлакатларда мобиль алоқа воситаларидан фойдаланувчилар сонининг ошиб боришига сабаб бўлмоқда;

- мобиль алоқа воситаларини ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат курашининг ривожланиб бораётганлиги сабабли уларнинг кенг аҳоли қатлами учун қулай бўлиб боришига тобора кўплаб имкониятлар яратмоқда;

- ривожланган мамлакатлардаги мобиль алоқа воситаларини ишлаб чиқарувчи компаниялар ўз капиталларини

ривожланаётган мамлакатларда жойлаштириб боргани сари уларнинг маҳсулот ва хизматларидан фойдаланувчилар сони тобора кўпайиб бормоқда.

Ахборот тизимлари тадқиқотлари шуни кўрсатадики, инновациялар ва ахборотни бошқариш юқори бошқарувни кўллаб-қувватлашдан ташқарига чиқиши керак. Хусусан, етакчи ва издошларнинг ўзаро боғлиқлиги (масалан, ҳамкорликдаги етакчилик) асосида улар ташкилотда технологик инновацияларнинг муваффақиятли амалга оширилишини тушунишни яхшилаш учун ахборот тизимлари соҳасида вертикал лидерлик таъсирининг интеграл модели таклиф қилинади. [12]

**Хулоса.** Юқорида келтириб ўтилган фикрлардан хулоса шуки, ахборот технологиялари кичик корхоналардан тортиб корпорациялар, бутун бир тармоқлар ва минтақаларгача бўлган

муҳим иқтисодий жараёнларга ўз таъсирини кўрсатади.

Бизнинг фикримизча, бундай муаммолар жумласига қуйидагилар тегишли бўлиб, уларнинг ҳар бири ижтимоий-иқтисодий омиллар билан боғлиқ бўлади:

1. Ҳар қандай вазият, жумладан табиий офатлар, инқирозлар ва бошқа форс-мажор ҳолатларида бизнеснинг узлуксизлигини таъминлаш. Корхоналар, тармоқлар ва бизнес билан боғлиқ бўлган минтақавий тузилмалар маълумотларни сақлаш ва фойдаланиш имкониятларига эга бўлмасдан туриб амал қилишлари мумкин эмас. Бундай муаммонинг ечими сифатида алоҳида виртуал хотирага эга бўлган юқори тезликдаги веб-серверларнинг жорий этилишини кўрсатиш мумкин. Шубҳасиз, муаммонинг бундай ечими ахборот учун бошқа таҳдид соладиган омилларни ҳам келиб чиқишига сабаб бўлиши бўлиб, бундай омиллар рақобат муҳитига боғлиқ бўлади. Бундай веб-серверларни ахборот билан қизиқадиганлар ундан ноқонуний фойдаланиш мақсадида ишлата олиши мумкин;

2. IT компаниялар дуч келадиган бошқа бир муаммо сифатида ходимларни ўқитиш масалаларини ҳал этишни кўрсатиш мумкин. Бугунги кунда IT компаниялари ўзлари учун биринчи

рақамли вазифа сифатида ахборот технологиялари ходимларини тегишли тарзда тайёрлашни таъминлаш деб билишмоқда. Бундай муаммони бошқарувни марказлаштириш ва инсоннинг ташкилот фаолиятига камроқ аралаштириш ҳисобидан ҳал этиш мумкин. Бироқ, бу ерда ахборот технологияларининг сифат муаммолари ҳам юзага келиши мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ахборот технологиялари бозорининг катта қисмини хорижий ахборот тизимлари ва дастурлари ташкил этади;

3. Иқтисодий жараёнларнинг спецификасига қаратилган хусусий ишланмаларнинг мавжуд эмаслиги ҳам муаммолардан бири бўлиши мумкин.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг бугунги ахборот макони бир-бири билан ўзаро заиф боғланган ахборот секторлари (давлат ва тижорат секторлари, идоравий ва минтақавий секторлар)дан ташкил топган бўлиб, улардан ҳар бири турли-туман сабаблар туфайли фойдаланиш ва кенгайтиш учун қулай бўлди.

Иқтисодиётнинг ахборот инфратузилмасини такомиллаштириш борасидаги давлат сиёсати мамлакатнинг ҳудудий кенглиги ва унинг алоҳида минтақаларида ахборотлашувнинг турли даражада ривожланиши кабиларни ҳисобга

олиши керак.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Measuring the Information Society Report Volume 1. 2018. ITUPublications. Statistical reports. International Telecommunication Union. Place des Nations. CH-1211 Geneva Switzerland.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2022 йил, 18 январь.
3. Лapidус Л.В. (2016, Апрель), Краудсорсинг и краудфандинг: маркетинговое продвижение проектов, продуктов и услуг. Вестник Финансового Университета; Pulizi, J. (2016, July 1) Roundtable: Content Marketing. Retrieved from [www.asne.org](http://www.asne.org);
4. Завлин П.Н. Инновация в рыночной экономике // Гуманитарные науки 1997 №3. С. 3-10; Гончаренко Л. П.
5. Мустафақулов Ш. Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ва инновацион салоҳиятига баҳо беришнинг мавжуд услублари таҳлили // Молия ва банк иши электрон илимий журнали, 2016, 3-сон, апрель, 5 -16 бетлар.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 21.11.2018 йилдаги ПҚ-4024-сон “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. <https://lex.uz/docs/4071401>  
<https://www.facebook.com/Mirziyoyev/videos/5/946575345506587/>
7. Арипов А.Н., Мирзахидов Х.М., Шерматов Ш.Х. Ахборот Коммуникация Технологиялари. Изоҳли луғати. – Тошкент-2004. 458-б.
8. “Ўзбектелеком” АЖ 2020-йил учун йиллик ҳисобот маълумотлари. – Тошкент. – 2020 йил.
9. Measuring digital development: Facts and figures 2021 15 Despite a steady decline, the cost of connecting remains high in developing countries Fixed-broadband and mobile-data basket prices as a % of GNI p.c., 2020
10. “Ўзбектелеком” АЖ 2020-йил учун йиллик ҳисобот маълумотлари. – Тошкент. – 2020 й.
11. Mobile phones are becoming ubiquitous, Percentage of individuals owning a mobile phone, Measuring digital development, latest year in 2018-2020.
12. Bunjak A., Bruch H., Cerne M. Context is key: The joint roles of transformational and shared leadership and management innovation in predicting employee IT innovation adoption. International Journal of Information Management, 66, 2022  
<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0268401222000500>